

ГАЗЕТА МАТНЛАРИДА НУТҚИЙ АКТЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Мухлиса Кадамовна САБИРОВА

Докторант

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институты, Ташкент

СПОСОБЫ ВЫРАЖЕНИЯ РЕЧЕВЫХ АКТОВ В ГАЗЕТНЫХ ТЕКСТАХ

Мухлиса Кадамовна САБИРОВА

Докторант

Институт узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан,
Ташкент, Узбекистан

THE WAYS OF EXPRESSING SPEECH ACTS IN NEWSPAPER TEXTS

Mukhlisa Kadamovna SABIROVA

Doctoral student

Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of the Uzbekistan Academy of Sciences
Tashkent, Uzbekistan Sibel_17@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 8.1751

**For citation (иқтибос келтириш учун,
для цитирования):**

Сабирова И.К. Газета матнларида нутқий
актларнинг ифодаланиш усуллари //
Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020.
— № 3 (32). — С.42–51.

<https://doi.org/10.36078/1595485211>

Received: May 9, 2020

Accepted: July 15, 2020

Published: July 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s) and Scientific
Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақолада прагматингвистиканинг марказий масалаларидан бири ҳисобланган нутқий акт назарияси ва унинг билвосита ифодаланиши газета матнлари мисолида таҳлил қилинган. Маълумки, нутқий акт муайян мақсадга йўналтирилган нутқий ҳаракат ҳисобланади. Газета матнларида муаллиф ўз мақсади ва коммуникатив нияти билан боғлиқ ҳолда нутқий фаолиятни баён этишнинг бевосита ёки билвосита нутқий тузилмасидан фойдаланади. Нутқий актлар назариясида сўзловчи томонидан танлаб олинган коммуникатив стратегиядан келиб чиқиб, бевосита нутқий актларга қарама-қарши қилиб қўйилган билвосита нутқий актлар марказий муаммолардан бири саналади. Газета матнларида муаллиф нутқий тежамлилиқ ва оммага таъсир кўрсатишнинг самарали усули сифатида ўз коммуникатив ниятини билвосита мулоқот тарзида ташкил этади. Билвосита нутқий актлар адресатга таъсир кўрсатишнинг самарали усули сифатида газета матнларида кўп учрайди. Билвосита нутқий актларда пропозиционал маъно эмас, балки иллокуция яширин ифодаланиши кузатилади. Сўзловчининг коммуникатив нияти имплицит ифода шаклида баён этилади. Матбуотда муаллиф аниқ мулоқот вазиятида ўз коммуникатив ниятига эришишда нутқий актларнинг баъзан бевосита (эксплицит) усулидан фойдаланса, гоҳида билвосита (имплицит) ифодалаш орқали мулоқот самарадорлигини таъминлайди.

Калит сўзлар: прагматингвистика; нутқий акт; коммуникатив ният; иллокутив акт; пропозиционал маъно.

Аннотация. В статье анализируется теория речевого акта, являющегося одним из центральных вопросов прагматингвистики, и его косвенное выражение на примере газетных текстов. Известно, что

речевой акт является целенаправленным речевым действием. В газетных текстах автор использует прямую или косвенную речевую структуру для описания речевой деятельности в связи с ее целью и коммуникативным намерением. В теории речевых актов одной из центральных проблем являются косвенные речевые акты, основанные на коммуникативной стратегии, выбранной говорящим. В газетных текстах автор организует свое коммуникативное намерение в форме косвенного общения как эффективное средство речевой экономии и речевого воздействия. Косвенные речевые акты часто встречаются в газетных текстах как эффективный способ воздействия на адресата. Косвенные речевые акты показывают скрытое выражение иллокуции, а не пропозициональное значение. Коммуникативное намерение говорящего выражается в форме неявного выражения. В прессе автор использует различные методы выражения для достижения своих коммуникативных намерений в ситуации общения. Привлечение общественного внимания обеспечивает эффективность общения иногда через прямой (эксплицитный) способ речевых действий, иногда — косвенный (имплицитный) в достижении речевого эффекта. **Ключевые слова:** прагмалингвистика; речевой акт; коммуникативная интенция; иллокутивный акт; пропозициональный смысл.

Abstract. The article analyzes the theory of a speech act, which is one of the central issues of pragmalinguistics, and its indirect expression on the example of newspaper texts. As is known a speech act is a targeted speech action. In newspaper texts, the author uses a direct or indirect speech structures to describe speech activity in connection with its purpose and communicative intention. In the theory of speech acts, one of the central problems is indirect speech acts based on the communicative strategy chosen by the speaker. In newspaper texts, the author organizes his communicative intention in the form of indirect communication as an effective means of speech economy and speech impact. Indirect speech acts are often found in newspaper texts as an effective way of influencing the addressee. Indirect speech acts show a hidden expression of illocution, not a propositional meaning. The communicative intention of the speaker is expressed in the form of an implicit expression. In the press, the author uses various methods of expression to achieve his communicative intentions in a clear communicative situation. Attracting public attention ensures the effectiveness of communication through sometimes direct (explicit) way of speech actions, and sometimes indirect (implicit) in achieving a speech effect.

Keywords: pragmalinguistics; speech act; communicative intention; illocutionary act; propositional meaning.

Прагмалингвистиканинг марказий масалаларидан бири нуткий акт назариясидир. Нуткий акт лисоний воситалар ёрдамида амалга оширилувчи нуткий ҳаракат бўлиб, дунё тилшунослигида нуткий акт назарияси илк бор инглиз файласуфи Ж. Остин томонидан илгари сурилган. Ўлимида сўнг нашр этилган “How to do things with words” китобида олимнинг бу масалага оид қарашлари жамланган (9). Ж. Остин асосий эътиборини нуткий актни шакллантирувчи перформатив феъллар таҳлили ҳамда нуткий акт турларини таснифлаш масаласига қаратди. У нуткий актнинг локутив, иллокутив ва перлокутив каби турларини ажратди.

Ж.Остиннинг нуткий акт ҳақидаги концепцияси дастлаб З. Вендлер, Ж.Серль томонидан таҳлил этилди, унинг ютуқ ва

камчиликлари кўрсатилиб, янги қарашлар билан бойитилди (2; 11; 12). Нутқий акт ҳақидаги назариянинг шаклланиши Ж.Р. Серль номи билан ҳам боғлиқ. Ж.Р. Серль асосий эътиборини иллокутив актни ўрганишга қаратди ва бу акт турининг нутқ эгасининг коммуникатив мақсадини акс эттиришга хизмат қилишини мисоллар билан далиллаб берди.

Рус тилшунослигида нутқий фаолият ва нутқий акт масалалари В.Н. Забавников, А.А. Леонтьев, А.Н. Баранов, Г.Е. Крейдлин, И.Н. Горелов, С.А. Сухих, А. Вежбицкая, В.З. Демьянков, И.М. Кобозева, Р. Конрад томонидан алоҳида ўрганилди. Уларнинг ишларида бу муаммо билан боғлиқ назарий қарашлар умумлаштирилди ва тўлдирилди.

Ўзбек тилшунослигида нутқий акт муаммоси М. Ҳакимов, Ш. Сафаров, М. Қурбоновлар томонидан махсус ўрганилди. Уларнинг ишларида нутқий актнинг ҳосил бўлиши, турлари, ўрганилиши масаласи таҳлил қилинди; локутив, иллокутив, пропозиционал, перлокутив актлар ажратилиб, ҳар бирига муносабат билдирилди.

М. Ҳакимов нутқий актни “одамлар ўртасидаги алоқа-аралашув жараёнида содир этилувчи ўзаро маъно актлари муносабатининг баёни” сифатида баҳолади (14, 94). Ш. Сафаров эса “...маълум бир гапнинг аниқ мулоқот муҳитида талаффуз этилиши”ни нутқий акт деб ҳисоблади (10, 72). М. Қурбонова “нутқий актда хабар, сўроқ, буйруқ, изоҳ бериш, кечирим сўраш, ташаккур билдириш, табрик ифодалаш каби турли нутқий ҳаракатлар амалга оширилишини” қайд этди (5, 9).

Кўринадики, тилшуносликда нутқий актга турлича тавсиф берилади. Айрим тилшунослар нутқий актни мулоқот жараёнида амалга ошириладиган нутқий ҳаракат сифатида баҳолашса, баъзи олимлар нутқий актнинг коммуникатив мақсад билан боғланишини эътироф этишади. Масалан, А. Маслованинг фикрича, нутқий акт муайян мақсад сабабли юзага келган, фаол таъсир кучига эга ифодадир (6, 61). И.М. Кобозева нутқий акт назарияси нутқий ҳаракатни ифодалашга қаратилган фикрлар жамланмаси эканлигини, нутқий акт содир этилиши билан сўзловчи бирор мақсадни кўзлашини таъкидлайди (3, 15).

Кўзда тутилган мақсад, вазифа билан боғлиқ ҳолда газета матнларида нутқий актларнинг ифодаланиш усули ва қўлами бир-биридан фарқ қилади. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди ва у орқали узатилаётган ахборот жамоатчилик фикри шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабаб муаллифлар омма эътиборини тортиш мақсадида ахборотни турли кўринишларда беришга ҳаракат қилади. Баъзан муаллиф ўз фикрини тўғридан-тўғри баён этса, кўп ҳолларда ифодани билвосита ахборот кўринишида тақдим этади. Газета матнларида муаллиф ўз мақсади ва коммуникатив нияти билан боғлиқ ҳолда нутқий фаолиятни баён этишнинг бевосита ёки билвосита нутқий тузилмасидан фойдаланади. Нутқий актлар назариясида сўзловчи томонидан танлаб олинган коммуникатив стратегиядан келиб чиқиб, бевосита нутқий актларга қарама-қарши қилиб қўйилган билвосита нутқий актлар марказий муаммолардан бири саналади (19, 86–90).

Бевосита нутқий актлар ифоданинг ошқора баёнига асосланади. Муайян нутқий акт уни ифодалашга хосланган синтактик структура орқали баён этилганда нутқий актнинг бевосита ифодаланиши амал

килади. Масалан, сўроқ гап шаклидаги синтактик қурилмалар орқали сўроқни ифода этувчи ахборотнинг ёки дарак гап орқали хабарнинг ифода этилиши бевосита ифодаланиш саналади (5, 16). *Кечирасиз, соат неча бўлди?* ёки *Илтимос, хонани тарк этинг* гаплари орқали савол ва илтимос актлари асосий иллокуцияни ҳосил қилган. Газета матнларида муаллиф нутқий тежамлилиқ ва оммага таъсир кўрсатишнинг самарали усули сифатида ўз коммуникатив ниятини билвосита мулоқот тарзида ташкил этади. Ифоданинг ошқора баёни бевосита нутқий актларни шакллантирса, билвосита нутқий актларда эса коммуникатив ният имплицит ифода шаклини ҳосил қилади. Билвосита нутқий актлар тавсифи, нутқий тузилманинг билвосита маъносининг воқеланиши механизмига оид турлича нуқтаи назар ва қарашлар Ж. Серль, Д. Гордон, Дж. Лакофф, Р. Конрад, Г. Почепцов, И. Кобозева, В.В. Дементьев, А. Маслова тадқиқотларида баён қилинган. Ўзбек тилшунослигида Ш. Сафаров, А. Шамахмудова билвосита нутқий актларни атрофлиқча ўрганган.

Нутқий бирликларнинг структуравий тузилиши ва ифодаладиган маъносига нисбатан фарқи билвосита нутқий актлар гуруҳини ажратиш имконини беради. А. Маслова билвосита нутқий актни “бир иллокутив акт остида иккинчи коммуникатив ниятнинг намоён бўлиши” деб таъкидлайди (6, 63). М. Қурбонова фикрича, муайян нутқий актни уни ифодалашга ҳосланмаган синтактик-структура орқали баён этишда билвоситалиқ содир бўлишини ва бунда 2 хил ҳолат кузатилишини: биринчи ҳолатда, синтактик структуранинг бирламчи маъноси сақланган ҳолда унга қўшимча синтактик маъно юкланади, иккинчи ҳолатда эса, синтактик структуранинг бирламчи маъноси бутунлай йўқолиб, унинг ўрнини ўзга синтактик маъно эгаллайди, деб ҳисоблайди (5, 17). Билвосита нутқ актларини баён этишда сўзловчи умумий билимлар фониға, ҳам лисоний, ҳам нолисоний билимларға, шунингдек, тингловчида шаклланган умумий фикрлаш қобилиятиға таянади (1, 44-53). Билвосита нутқий актларнинг таркиби икки иллокутив актдан иборат бўлади. Ж. Серль ва унинг издошлари уларни бирламчи ва иккиламчи иллокутив фаолият деб атаганлар (12, 195-222). Масалан, *Ташиқарида ҳаво совуқ* гапи ҳар хил мулоқот муҳитида ёки контекстда қўлланишиға нисбатан бир ҳолатда хабар (дарак) берувчи нутқий акт (*Мен сенға об-ҳаво ҳақида гапирмоқдаман*), иккинчисида эса буйруқ ёки илтимос мазмунидаги (*Мен сендан эшикни ёпишни сўрайман*) нутқий акт сифатида идрок этилади. Биринчи нутқий актнинг (ассертивнинг) лисоний тузилиши ифодаланаётган коммуникатив маъноға мос келганлиги сабабли, у *воситасиз бирламчи акт* ҳисобланади. Ушбу тузилма воситасида рақвестив (илтимос) нутқий акт ифодаланганда билвосита (воситали) иккиламчи акт ҳосил бўлади (10, 91). Бир иллокутив акт бошқа бир иллокутив актни ифодалаш орқали амалға оширилади. А. Шамахмудова фикрича, “Бирламчи иллокутив акт нутқий тузилманинг ҳақиқий ниятини ифодалайди. Иккиламчи нутқий акт эса шаклий тузилишидан келиб чиққан иллокутив актни воқелантиради” (18, 83–87). А. Шамахмудова юқоридаги фикрини мисоллар билан далиллайди: “...Бўстонсарой кўчасиға қандай боришни айта олмайсизми? ... Меҳри, киноға чиқмаймизми? Нутқий мулоқотда ушбу лисоний бирликларнинг билвосита иллокутив вазифаси — илтимоснинг ҳурмат тамойили асосида ифодаланишидир. Иккиламчи иллокутив акт — савол, бирламчи

иллокутив акт эса — илтимос” (18, 83–87), деб ҳисоблайди. Бу ўринда, бизнингча, савол акти бирламчи иллокутив актни ҳосил қилган, иккиламчи иллокутив акт эса илтимосдир. Ш. Сафаров ҳам “...лисоний белгининг дуаллик (иккитомонламалик) хусусиятида кўринадиган шакл ва мазмун номутаносиблигига таянадиган иккиламчи маъно кўпгина ҳолларда билвосита нутқий ҳаракатлар ҳосил бўлиши учун ўзига хос туртки яратади”, деб ҳисоблайди (10, 92). Кўринадики, адресант мақсади билан боғлиқ ҳолда бир нутқий тузилма орқали 2 ва ундан ортиқ иллокуциянинг англаниши натижасида билвосита нутқий ҳаракатлар бажарилади ва бунда шакл ва мазмун номутаносиблиги юзага келади.

Билвосита нутқий актларда пропозиционал маъно эмас, балки иллокуция яширин ифодаланиши кузатилади (17, 14). Сўзловчининг коммуникатив нияти имплицит ифода шаклида баён этилади. Билвосита нутқий актлар адресатга таъсир кўрсатишнинг самарали усули сифатида газета матнларида кўп учрайди. Муаллиф ўз фикрини ифодалашда кўпинча мулоқот интенциясини имплицит равишда сўроқ нутқий тузилмаси шаклида беради: *Хўп, ҳуқуқий жиҳатдан мутасаддиларнинг хатти-ҳаракатлари тўғри, аммо инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашсак, шундоқ ҳам кўнгли ўксик, оғир ижтимоий вазиятда қолган эҳтиёжманд оилалар тақдирига бефарқ муносабатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Нега депутатлар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа тегишли ташкилотларда доимий яшаш жойига эга бўлмаган кам таъминланган оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу низом талабларига ўзгартириш киритиш ташаббуси йўқ? Ахир ҳеч бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзгармас хусусиятга эга эмас, унга тузатиш киритиш мумкин-ку. Аслида уйма-уй юриб, халқ билан мулоқот қилишдан мақсад ана шундай муаммоларга ечим топиш эмасми?! Ёшлар иттифоқининг асосий вазифаларидан бири мана шундай уюшмаган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат эмасми?! “Халқ сўзи” газетаси (2019 йил 9 апрель сони)да ёритилган “Меҳрибонлик уйдан кейинги саргардонлик” сарлавҳали мақолада болалар уйда вояга етган ўғил-қизларнинг кейинги тақдири, уйга муҳтож эканлиги, оғир шароитда яшаётган, оила қурган етим болалар қисмати ёритилган. Юқоридаги мисолда киноявий савол акти орқали Ёшлар иттифоқи кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш зарур фикри тасдиқ актини ҳосил қилган. Нега депутатлар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа тегишли ташкилотларда доимий яшаш жойига эга бўлмаган кам таъминланган оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу низом талабларига ўзгартириш киритиш ташаббуси йўқ? жумласи Депутатлар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа тегишли ташкилотлар кам таъминланган оилалар манфаатини ҳимоя қилинг маъноси илтимос ва талаб актлари орқали пресуппозицияга ишора қилган. Фикрнинг савол тариқасида ифодаланиши сўзловчи ички ниятини таъсирли акс эттиришга хизмат қилган (7).*

Газета саҳифаларида савол актидан тузилган матнларни кўп учратиш мумкин. Адресант адресатга савол акти орқали иллокутив мақсадини таъсирли ифодалашга ҳаракат қилади. Кўп ҳолларда савол актнинг кетма-кет ўринларда берилиши эътироз, норозилик актларини ҳосил қилади: “Икки ярим миллион сўмга яшаш мумкин” деган саволга эса, ҳа, яшаш мумкин дейман. Аммо коммунал

хизматларни қайси маблағ эвазига тўлаймиз? Кино, театрда тушиб маданий ҳордиқ чиқариш керак эмасми? Йилда бир марта хорижда дам олиш армон бўлиб қолаверадими? Қариндошларимиз тўй қилса, тўёна бермасак ҳам бўлаверадими? Машина олиш тўғрисида эса орзу қилиш ҳам мумкин бўлмай қоладику... (15). Муаллиф кетма-кет қўллаган савол акти орқали дарак мазмунидаги киновий маънога ишора қилган. Матбуот матнларини ўрганишимиз давомида жуда кўп ўринларда сўроқ актида тузилган сарлавҳа ва матнларнинг берилишига гувоҳ бўлдик. Муаллиф савол актини (баъзан кетма-кетликда) қўллаш орқали омманинг фикрини йўналтиришга, бошқаришга ёки ундашга ҳаракат қилади. Бундай ёндашув журналистнинг ўзига хос ифода тактикаси ҳисобланади.

Билвосита нутқий актларда савол акти орқали илтимос, огоҳлантириш, фикрни тасдиқлаш, танбех бериш, таҳдид қилиш каби нутқий ҳаракатларнинг ҳосил бўлишини Р. Конрад гибрид актлари (4, 377) деб номлайди. Яъни бир пропозицияда сўроқ акти орқали икки иллокуциянинг намоён бўлиши гибрид актларини ҳосил қилади. А. Маслова эса бу турдаги актларни конвенционал билвосита актлар деб номлаган (6, 64). Конвенционал нутқий актлар савол шаклидаги илтимос, талаб, буйруқ, огоҳлантириш нутқий тузилмаларини шакллантиради. Конвенционаллик бевосита нутқий актларга қараганда кўпроқ билвосита тузилмаларга хос ва билвоситалик нутқий мулоқот вазиятининг турли параметрлари билан яқиндан боғланган (19, 86–90). Айтиш мумкинки, газета саҳифаларида савол акти асосий ўринни эгаллайди. Бундай ёндашув ҳар бир муаллифнинг индивидуал услубига ҳам боғлиқ: *Негадир набираларимни бошиқа тилли мактабга бергим келмади. Балки уларга ўзим “Ўзбек халқ эртаклари” китобини ҳар кеч ётар олди ўқиб берганимми ёки халқимизнинг қадимдан яшаб келаётган урф-одатлари, қадриятлари руҳида тарбия қилганим бўлдими, ҳуллас, ота-онасининг оёқ тираб олганига қарамай, ўзимизнинг она тилида ўқитиладиган мактабга олиб бордим. “Оббо, намуноча она тилидаги, деб урғу беряпсиз”, деб айтадиганлар ҳам топилади. Улар боласини келажакда чет элда ўқишини, ишлашини хоҳлайдиганлар. Чунки бизда олий маълумотли дипломга эга кадрларнинг ҳаммаси ҳам ишли эмас, кўпи тижоратчи, бизнесмен, бозорчи бўлиб кетишмаяпти. Бундан мен ҳам тушунаман, аммо набирам, биринчи навбатда, ўз она тилини пухта ўргансин, сўнг, майли, истаган хорижий тилини ўрганса, қўллаб-қувватлайман. Ахир, бирор юмуш билан хорижга борганда ўзбек маданиятини, маънавиятини кўрсата билмаса, набираларим миллатимиз, ватанимиз гурурланадиган инсон бўла олишадими? Мени кўпроқ мана шу масала ўйлантиради* (15). “Хуррият” газетасининг 2019 йил 13 ноябр сонида “Набирамни нега хориж тилли мактабга бермадим?” мавзусидаги мақолада набираларини ўз она тилига бўлган муҳаббатини ошириш, ўзбек тилини мукамал ўрганишини истаган онахон нутқида сўроқ акти орқали *Набираларим ўзбек тилини яхши ўргансин* фикри талаб актини шакллантирган. Шунингдек, *Набираларим ўзбек тилини яхши билишини хоҳлайман* маъносини ифода этувчи истак нутқий акти ҳам ҳосил бўлган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, газета матнларида, айниқса, танқидий руҳдаги публицистик матнларда савол акти ўзига хос йўсинда ифода ва мазмун планига эга бўлади. Маълумки, “нутқий акт сўзловчининг маълум муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаатидир”

(10, 71). Шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, газета матнларида нутқий таъсир кўрсатишнинг энг фаол ва самарали усули бу — савол актидир. Яъни, бунда бевосита савол акти айтилиши пайтда билвосита дарак, ундаш мазмунига эга бўлади. Юқоридаги матнда ҳам асосий урғуни олган қисм: *Ахир, бирор юмуш билан хорижсга борганда ўзбек маданиятини, маънавиятини кўрсата билмаса, набираларим миллатимиз, ватанимиз гурурланадиган инсон бўла олишадими?* бўлиб, газета матнларига хос тингловчига нутқий таъсир кўрсатиш, мулоҳазага ундаш, ижтимоий ҳаётдаги маълум бир муаммонинг ечими юзасидан жамият аъзоларида умумий фикр уйғотиш каби функцияларни бажарган.

Айтиш лозимки, нутқ субъектининг коммуникатив нияти билан боғлиқ ҳолда прагматик мазмунни ҳосил қилишда муайян микроматн муҳим ўрин тутди. Матбуот матнларида нутқий актларнинг ифодаланишидаги ўзига хослик матнда нутқ эгаси муайян коммуникатив ниятини турли прагматик мақсадларга йўналтиради, “ифода маъзи” акс этган синтактик-структура прагматик юкни олади. Масалан: *Журналистикада жанрларнинг вақти ўтган, деган гаплар қуруқ баҳона. Жанрлар журналистиканинг қуввати, жони, фойзи ҳамдир. Бугунги ОАВга назар ташлаб кўринг. Биринчи саҳифадаги материал билан иккинчи саҳифадагисининг фарқи йўқ. Сўнгги саҳифалар ҳам худди шундай. Бир хил қолипдаги материаллар... Демак, ёзиш услубимизда ҳам қусурлар кўп. Журналистика, аввало бадиий ижоднинг бир кўриниши. Ҳавас учун ҳам лавҳа, репортаж, очерк каби дилкаш жанрларда қалам тебратиб кўрайлик, ахир. Ана унда кўрасиз мухлисларнинг ортишини* (16). Матн орқали *Журналистлар ёзиш услубига аҳамият берсин* маъноси остида таъкид ва буйруқ акти; *ОАВда бир хил қолипдаги материаллар кўп* маъносидаги эътироз акти; *Турли жанрларда қалам тебратайлик* маъносини ифода этувчи илтимос ва истак актларини шакллантирган. *Ҳавас учун ҳам лавҳа, репортаж, очерк каби дилкаш жанрларда қалам тебратиб кўрайлик, ахир. Ана унда кўрасиз мухлисларнинг ортишини* жумласи эса прагматик юкни олган, бунга таъсирнинг кучлироқ ифодаси орқали омма фикрини йўналтириш ва ундаш ҳаракатидан англаш мумкин.

Газета матнлари таҳлилида прагматик жиҳатдан омоним бўлган нутқий актларни ҳам учратиш мумкин. М. Ҳакимов бу турдаги нутқий актларни прагматик омонимия атамаси билан номлайди. Прагматик жиҳатдан омоним бўлган бир неча нутқий актлар бир вақтнинг ўзида биринчи даражали маъно имкониятига эга бўлиш билан характерланади. Бунда буйруқ ҳам, тасдиқ ҳам, илтимос ҳам, ваъда ҳам, мажбурият ҳамда талаб ҳам бараварига англаниши мумкин (14, 108). Бизнингча, бундай актларни полифункционал (кўп вазифали) нутқий акт сифатида таснифлаш мумкин. Чунки бунда битта синтактик структура орқали бир неча нутқий акт турларининг мазмуний ифодаси нутқнинг ифодавий жиҳати билан боғлиқдир, яъни полифункциясидир. Бундай ҳолатни газета матнларида ҳам ўзига хос йўсинда кузатиш мумкин. Ҳикматли, тарбияга чорловчи матнларда прагматик омонимия ҳодисаси кузатилади. Масалан: *Ўзгаллигинга қувонма, уни бир сўгал буза олар, мол-мулкнингга қувонма, уни бир офат олиб кетар. Робингга қувон, у ҳаммасига кифоя этар...* Мазкур мисолда *Ўзгаллик ва мол-мулк ўткинчи* маъноси тасдиқ актини, *Роббингга ишон* маъносидаги ундаш акти,

гўзаллигинга, мол-мулкинга қувонма маъноси огоҳлантириш атини ҳосил қилган. Яна бир мисол: *Унутма! Иймонда кетмоқ, жаннатга эришмоқ учун бир умр лозим, буларнинг баридан айрилмоқ, қуфрда кетмоқ учун бир лаҳза кифоя* (15). Бу матндан тасдиқ, таъкид, буйруқ, талаб, огоҳлантириш ва ундаш актлари бараварига англанади.

Нутқий акт назариясининг уч қатламдан ташкил топган (3, 13) шакли матбуотда асосан президент нутқлари, сиёсий шахслар баёнотида учрайди. Адресант локутив акт сўзлаш ҳаракати орқали коммуникатив мақсадини акс эттиради ва адресатга нутқий таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Нутқий актнинг уч қатламдан ташкил топган шакли айнан бир жумлада локутив, иллокутив ва перлокутив актларининг умумлашмаси асосида ҳосил бўлади. Матбуот саҳифаларида локутив ва иллокутив актнинг бирга қўлланганини кўриш мумкин. Масалан: *Биз сенат деганда, биринчи навбатда, миллий парламентиимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини амалда намоён этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз. Сенатор — бу халқнинг юксак ишончини қозонган вакил. Халқимиз олдида ҳаммамиз масъул ва жавобгармиз, — деди Шавкат Мирзиёев* (13). Ушбу мисолда *Халқимиз олдида ҳаммамиз масъул ва жавобгармиз* жумласи орқали локутив акт ва иллокутив актнинг бир гапда умумлашганини кўрамиз. *Халқимиз олдида ҳаммамиз масъул ва жавобгармиз* жумласи орқали локутив ҳаракат юзага келган. Бунга матн таркибида қўлланган *деди* (демоқ) феъли ҳам нутқий актнинг бевосита талаффуз этилганлигини кўрсатади. *Халқимиз олдида ҳаммамиз масъул ва жавобгармиз* жумласи иллокутив акт сифатида ҳам намоён бўлган, яъни матнда сўзловчи ички нияти ошкора шаклда баён қилинган. Перлокутив акт тури сифатида мазкур жумла аудиторияда жавобгарлик ва масъулият ҳиссини уйғотишга қаратилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, матбуотда муаллиф аниқ мулоқот вазиятида ўз коммуникатив ниятига эришишда ифоданинг турли усулларидан фойдаланади. Оманинг эътиборини жалб қилиш, нутқий таъсир этишга эришишда нутқий актларнинг баъзан бевосита (эксплицит) усулидан фойдаланса, гоҳида билвосита (имплицит) ифодалаш орқали мулоқот самарадорлигини таъминлайди. Бундай мулоқот усулларининг танланиши муаллифнинг индивидуал услубига ҳам боғлиқ. Матбуотда нутқий актларнинг турли усулларда ифодаланиши мулоқот интенцияси ифодасига “юмшоқлик” йўли билан, тингловчига таъсир кучини ошириш воситаси сифатида қараш лозим. Шунингдек, нутқий тежамкорлик, нутқий одоб қоидаларига амал қилиш асосида фикр ифодаланиши матбуотда нутқий актларнинг ўзига хос ифода этилишидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Василина В.Н. Иллокуция как коммуникативная характеристика высказывания // Вестник МГЛУ. Серия 1. Филология. — М., 2005. №2 (18). — С. 44–53.
2. Вендлер З. Иллокутивное самоубийство // Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистическая прагматика. — М., 1985. Вып. XVI. — С. 233–250.

3. Кобозева И.М. «Теория речевых актов» как один из вариантов теории речевой деятельности // Новое в зарубежной лингвистике. — М.: Прогресс, 1986. — Вып. XVII. — С. 7–22.
4. Конрад Р. Вопросительные предложения как косвенные речевые акты. Новое в зарубежной лингвистике. — Вып.16, Лингвистическая прагматика. — М.: Прогресс, 1985. — С. 377.
5. Қурбонова М. Ўзбек болалари нуткининг прагмалингвистик аспекти. — Тошкент: Адабиёт учкунлари нашриёти, 2018. — Б. 9–55.
6. Маслова А. Введение в прагмалингвистику. — М.: Флинта, 2019. — С. 61–67.
7. Мехрибонлик уйидан кейинги саргардонлик /Халқ сўзи. 2019 йил 9 апрель сони.
8. Миллий тикланиш. 2019 йил 13 ноябрь.
9. Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. — М., 1986. Вып.17.— С. 22–131.
10. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. — Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008— Б.91–106.
11. Серль Дж. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. — М., 1986. Вып. XVII. — С. 170–194.
12. Серль, Дж. Р. Косвенные речевые акты// Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. — М.: Прогресс, 1986. — С. 195–222.
13. Ўзбекистон тарихида илк марта сенатга аёл киши раис бўлди / Адолат кўзгуси. 2019 йил 27 июнь.
14. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. — Тошкент, 2011. — Б. 89–151.
15. Ҳамидова М. Набирамни нега хориж тилли мактабга бермадим? / Ҳуррият. 2019 йил 13 ноябрь сони.
16. Ҳуррият. 2018 йил 10 январь.
17. Шамахмудова А. Билвосита нутқий актларни мулоқот матнида воқелантирувчи этнопрагматик омиллар (испан тили мисолида). Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс...автореф. — Самарканд, 2019. — Б.14.
18. Шамахмудова А. Билвосита нутқий актларни талқин этиш тамойиллари (этнопрагматик омиллар) // Хорижий филология. —Т., 2017. № 4. —Б.83–87.
19. Шамахмудова А. Замонавий тилшуносликда билвоситалилик ва имплицитлик тушунчалари // Хорижий филология. — Т., 2017. — № 1. — Б.86–90.

References

1. Vasilina V.N., *Vestnik MGLU.Seriya 1. Filologiya*, Moscow, 2005. No.2(18), pp. 44–53.
2. Vendler Z., *Novoe v zarubezhnoi lingvistike: Lingvisticheskaya pragmatika*, Moscow, 1985. No. XVI, pp. 233–250.
3. Kobozeva I.M., *Novoe v zarubezhnoi lingvistike*, Moscow: Progress, 1986, No. XVII, pp. 7–22.
4. Konrad R., *Novoe v zarubezhnoi lingvistike*, Moscow: Progress, No.16, 1985, pp. 377.
5. Kurbonova M., *Uzbek bolalari nutkining pragmalingvistik aspekti*, Toshkent: Adabiet uchkunlari nashrieti, 2018. pp. 9–55.

6. Maslova A., *Vvedenie v pragmalingvistiku*, Moscow: Flinta, 2019, pp. 61–67.
7. Mekhribonlik uyidan keyingi sargardonlik / Khalk suzi. 2019,9 aprel' soni.
8. Milliy tiklanish, 2019 yil 13 noyabr'.
9. Ostin Dzh., *Novoe v zarubezhnoi lingvistike: Teoriya rechevykh aktov*, Moscow, 1986, No.17, pp. 22–131.
10. Safarov Sh., *Pragmalingvistika*, Tashkent: Uzbekiston Milliy entsiklopediyasi Davlat ilmiy nashrieti, 2008, pp. 91–106.
11. Serl' Dzh., *Novoe v zarubezhnoi lingvistike: Teoriya rechevykh aktov*, Moscow, 1986, No. 17, pp. 170–194.
12. Serl' Dzh., *Novoe v zarubezhnoi lingvistike*, Moscow: Progress, No. 17, 1986, pp. 195–222.
13. Uzbekiston tarikhida ilk marta senatga ael kishi rais buldi / Adolat kuzgusi, 2019, 27 iyun'.
14. Khakimov M., *Uzbek tilida matnning pragmatik talkini: Doctor's thesis*. Tashkent, 2011. –pp. 89–151.
15. Khamidova M., *Nabiramni nega khorizh tilli maktabga bermadim?* / Khurriyat, 2019, 13 noyabr' soni.
16. Khurriyat, 2018, 10 yanvar'.
17. Shamakhmudova A., *Bilvosita nutkiy aktlarni mulokot matnida vokelantiruvchi etnopragsmatik omillar* (ispan tili misolida), Extended abstract of PhD's thesis, Samarkand, 2019, pp.14.
18. Shamakhmudova A., *Khorizhiy filologiya*, Tashkent, 2017, No.4, pp.83–87.
19. Shamakhmudova A., *Khorizhiy filologiya*, Tashkent, 2017, No.1, pp.86–90.